*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2014 йил
**16 август**
ШАНБА
**№ 66** (12702)

www.th.uz

## Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

2014 йил – Соғлом бола йили

# МАҲАЛЛАНИНГ КЎРКИ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Болалар майдончаларини тиклаш ва ташкил этишнинг 2011-2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида юртимизда айтишга арзигулик ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, вилоятимизда болалар майдончалари қуриш ва ўйин жиҳозлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.**

Чирчиқ шаҳри "Адолат" маҳалласида ташкил этилган майдонча эрта-ю кеч болажонлар билан гавжум.

– Бу майдонча фарзандларимиз учун яхши совға бўлди, – дейди шу маҳаллада яшовчи Шолпан Алимова. – Қувонарлиси шуки, қўшни маҳаллаларга боришга ҳожат қолмади, ҳамма шароит ўзимизда муҳайё.

Майдончада сирпанчиқ, турник, нарвон, карусель каби ўйин турлари мавжуд. Шунингдек, ота-оналар учун ўриндиқлар, болалар айвончаси ҳам бор. Қумли бурчакнинг ташкил этилгани эса, болаларнинг бақувват ва соғлом бўлишларини таъминлайди.

Энг муҳими, ўйин жиҳозлари биринчи навбатда, хавфсиз, болаларга жароҳат етказмайди. Уларнинг турли рангларга бўялгани маҳалла кўркига кўрк қўшаяпти.

Бир сўз билан айтганда ўйингоҳ маҳаллада истиқомат қилаётган 1358 оила фарзандларига хизмат қилмоқда.

**Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.**



Ўзбекистон мустақиллигининг 23 йиллиги олдидан

**Ҳар гал "Буни ҳаёт дерлар..." қўшиғини тинглаганимда тилимга бир ният келади: "Ишқилиб, тинчлигимиз абадий бўлсин-да!" Шунда атрофимдаги турли юмушлар билан андармон одамларга назар ташлайман, олис-яқинларда тирикчилик ташвишида елиб-югураётганларни хаёлдан ўтказаман. Тадбиркорлик билан катта-кичик корхоналар очаётганларга, "Авлодларим ўзимдан баланд бўлсин", дея ўғил-қизлари истиқболини ўринли ҳал этаётганларга ҳавасим келади. Данғиллама қасрлари, қўша-қўша машиналари бўла туриб, юртма-юрт, давлатма-давлат бойлик илинжида юрганлар аҳволига эса ачиниб кетаман. Ростини айтсам, шундай кимсаларнинг Ватан корига ярай олишларига унчалик кўзим етмайди...**

# ТУПРОҒИНГ КЎЗИМГА ТЎТИЁ, ВАТАН!..

Ҳаммамиз яхши биламиз, бир пайтлар ёвлар вайрон этган ерларимизни, хор-зор бўлган халқларимизни Амир Темур бобомиз кўкларга кўтарган эди. Биз ахир нечун биринчи навбатда Ватан туйғуси билан нафас олмаслигимиз, яшамаслигимиз керак! Ватан нима ўзи, ушбу улуғ сўз маъносини қандай англаймиз?!

Бизга берилган умр Аллоҳнинг улуғ неъмати экан, буни тўғри тушуниб, беҳуда сарфламай, оқилона фойдаланиб, биринчи галда Ватан қадрини ўрнига қўймоғимиз, ўтмишимизни мукаммал ўрганмоғимиз зарур. Бу оламда фақат еб-ичишу маишат билан машғул кимсалар манқурт деб аталиши бежиз эмас. Бу сўз маъносини барчамиз, айниқса ёшларимиз ҳар тарафлама англаб олсалар фойдадан ҳоли бўлмайди. Манқуртлар Ватан туйғуси, меҳр-оқибат, кимларгадир ачиниш, ёрдам қўлини чўзиш сингари инсоний фазилатлардан бутунлай маҳрум кимсалардир.

Толеимизга беадад шукрлар бўлсинки, мустақиллик неъмати шарофати билан манқуртлар разолатига узил-кесил чек қўйилди, барча эзгуликларга кенг йўл очилди. Жумладан, сермазмун ва улуғвор тарихимиз, ажойиб ўтмишимизни атрофлича ўрганиш имкониятига эга бўлдик.

"Шарқ юлдузи" журналида ишлаётган кезларимда бир куни хонага тарихчи олим Ҳамид Зиёев кириб келди. "Қишлоғингиз ҳақидаги мана бу маълумотни ўқинг", деди Ҳамид ака менга бир ҳужжатни узатиб. Дарҳол кўз югуртирдим: "Энг қадимий қишлоқлардан бўлмиш Хондайлиқ, Хўжакент, Сайрам, Паркент, Заркент..." Бу ибора менга қанчалар қувонч ғурур бахш айлаганини билсангиз эди! Шундан сўнг бор вужудим билан қишлоғим тарихини ўрганишга киришганман. Аммо ҳозир гап мустақиллигимиз шарофати туфайли кўҳна Хондайлиқнинг ривожланиб, ёшариб бораётгани ҳақида. Уч қаватли янги мактаб биноси, мўъжаз шифохона халқ хизматида. Намунавий лойиҳа асосида барпо этилган шаҳарча аҳли тоза ичимлик суви билан таъминланган, кўприклар созланиб, йўллар таъмирланмоқда...

Янаям чуқурроқ назар ташласак, бу қадимий қишлоқ олдида ҳали амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифалар турибди. Қишлоқ ободончилигию, порлоқ истиқболи йўлидаги ишларни изчил давом эттириш лозим.

Биз номини улуғлаётган Хондайлиқнинг зукко аждодлари жуда олисларни кўзлаб иш юритганлари туфайли қишлоқ қулай ва хавфсиз ҳудудда жойлашган. Сел босиши ёки тоғ кўчиши сингари табиий офатлардан ҳоли, катта шаҳарга яқин. Шундоқ ҳам савоб ва эзгуликлар йўлида жонбозлик кўрсатаётган Хайрулла Жўраев, Абдунўъмон Тешабоев, Абдусодир Олимов сингари бағрикенг фермерлар, қишлоқнинг саховатли мулкдорлари Хондайлиқни ҳақиқий гўзал ва обод масканга айлантириш учун янаям қаттиқроқ бел боғлашлари керак бўлади. Хуллас, ҳамжиҳатликда эзгу ниятларимиз албатта ушалгай.

*Тупроғинг кўзимга тўтиё, Ватан!*
*Оламда боримсан, сен ягонамсан,*
*Сўнгги нафасим ҳам бағрингга сингсин,*
*Бағрингга тўкилай, садоға бу тан!..*

**Асад АСИЛ.**

«Энг улуғ, энг азиз» кўрик-танлови

# ИСТИҚЛОЛНИ МАДҲ ЭТИБ, ТОЛМАЙДИ ҚАЛАМ

**Ўтаётган ҳар бир кун сизу бизни энг улуғ, энг азиз байрамимиз – Истиқлолнинг 23 йиллик шодиёналарига яқинлаштирмоқда. Айём арафасида мустақиллик йилларида эришилган улкан ютуқлар, давлатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори янада ортганини, қишлоқ ва шаҳарларимиз қиёфаси тубдан ўзгаргани-ю, аҳолининг, айниқса, ёшларимизнинг онгу тафаккури, сиёсий савияси, ижтимоий фаоллиги ошганини эслаш ўринли. Ушбу туб янгиланишларда ижод аҳлининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Улар янгиланаётган жамиятда эркин сўз, ҳур фикр ва озод инсон тақдири билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий жараёнларда фаол иштирок этмоқдалар. Бу фаоллик анъанавий ўтказиб келинаётган "Энг улуғ, энг азиз" кўрик-танловида ўз аксини топмоқда.**







Мустақиллик байрами арафасида беш ижодий йўналиш - ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари, босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари, телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари, тасвирий санъат ва кино асарлари бўйича ўтказилаётган танлов Ватанни севишга, аждодларимиз маънавий меросини қадрлашга ўргатмоқда.

Вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, Ёзувчилар ва журналистлар ижодий уюшмалари, "Ўзбеккино" агентлиги бўлимлари, вилоят Маънавият ва маърифат маркази каби ташкилотлардан иборат танлов ташкилий қўмитасига мустақиллик йилларидаги тинч ва фаровон ҳаётни акс эттирган ижодий ишлар тақдим этилган эди.

Оққўрғон туманидаги мусиқа ва санъат мактабида танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Ҳайъат аъзолари хулосасига кўра, бадиий-адабий йўналиш бўйича ёзувчи ва шоирлар Темур Убайдулло, Қосимжон Ёқубов ва Нуриддин Аминжон ғолиб бўлдилар. "Тошкент" телерадиоканали" ДУК кўрсатувлари муаллифи ва бошловчиси Нигора Тўлабоева вилоятимизнинг истиқлол йилларидаги ривожланиш босқичларини акс эттирган туркум кўрсатувлари учун бош соврин ва диплом билан тақдирланди. "Тошкент" телерадиоканали" ДУК Ахборот дастурлари бош муҳарририяти катта муҳаррири Шоира Ражабова, "Юқори Чирчиқ ҳаёти" газетаси муҳаррири ўринбосари Ҳулкар Уралова ҳам бош совринга лойиқ деб топилдилар. Қувонарлиси, ғолиблар орасида таҳририятимиз фотомухбири Қобилжон Ғофуров ҳам бор. Унинг "Истиқлол қиёфалари ва манзиллари" туркумидаги фотолавҳалари барчага манзур бўлди.

Шунингдек, танловда журналистикада ўз ўрни, йўналиш ва услубига эга ижодкорлар қаторида Обид Исманов, Дилафрўз Эгамбердиева, Зулхумор Ғаниева, Зумрад Авазхонова, Жавлонбек Эсонов, Манзура Рустамова ҳам тақдирландилар. Оҳангарон туманидаги 52-умумтаълим мактаби 1-синф ўқувчиси Моҳинур Юлдашеванинг "Истиқлол менинг нигоҳимда" мавзуидаги расмлари ҳакамлар томонидан эътироф этилди. Танловнинг тасвирий санъат йўналиши бўйича эса Султонбой Деҳқонов, Сунnатилла Сулейманов, Ҳожиакбар Мирфайзиев ва Рустам Худойберганов ғолиб бўлдилар.

Ғолиб ва совриндорларга ҳомийлар ва ҳамкор ташкилотларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Республика "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси раиси Исфандиёр Латипов, вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этган мазкур кўрик-танлов давомида қатнашчилар асарлари кўргазмаси ва катта концерт дастури намойиш этилди.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

Хайрли анъана

**Ўзбекистон халқлари учун энг улуғ, энг азиз байрам – мустақиллигимиз тантаналари арафасида шаҳар ва қишлоқларни, маҳаллалар, корхона, ташкилот ва муассасалар ҳудудини ободонлаштириш энг яхши анъаналаримиздан бирига айланган. Бундан мақсад яқинлашиб келаётган умумхалқ байрами кўтаринки руҳ ва яхши кайфиятда ўтишини таъминлашдир.**

# УМУМХАЛҚ ҲАШАРИ ЧОРЛАЙДИ

Бу йил Вазирлар Маҳкамаси август ойини ободонлаштириш ва озодалик ойи деб эълон қилгани муносабати билан энг улуғ, энг азиз байрамга тайёргарлик ишлари ҳар қачонгидан ҳам кенг қулоч ёйди. Аҳоли тураржойлари, кўчалар, хиёбонлар, болалар майдончалари, шунингдек, муқаддас қадамжолар ҳам орасталаниб, тартибга келтирилмоқда. Ушбу хайрли тадбирда вилоятнинг барча аҳолиси, айниқса, ёшлар фаол иштирок этмоқдалар.

Таъкидлаш жоизки, миллий анъанамизга кўра, ҳар йили мустақиллик байрами олдидан ўтказиладиган умумхалқ ҳашари ҳам ободонлаштириш ишларига кўтаринки руҳ бахш этади. Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига биноан бу йилги умумхалқ хайрия ҳашари 16-17 август кунлари ўтказилади. Вилоятимиз ҳокимининг Вазирлар Маҳкамасининг ушбу фармойиши асосида қабул қилган қарорига мувофиқ, умумхалқ ҳашари кунларида аҳоли тураржойлари, маҳалла, гузар, оммавий дам олиш масканлари ободонлаштирилади, сув тармоқлари тозаланиб, тартибга келтирилади, дов-дарахтларга шакл берилиб, оқланади. Шунингдек, ижтимоий дастур доирасида ёлғиз кексалар, ногиронлар ҳамда ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларнинг уйлари таъмирлаб берилади.

Маълумки, умумхалқ хайрия ҳашари муносабати билан "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, шаҳар ва туман ҳокимликлари, жамоатчи ташкилотларнинг зиммасига аниқ вазифалар юкланади. Шунингдек, халқ таълими муассасалари, корхона ва ташкилотлар ходимлари ва ҳарбий хизматчилар ҳам ҳашарда фаол иштирок этадилар. Тахминий ҳисобларга кўра, ҳашарда вилоятнинг 1 миллион 600 минг аҳолиси иштирок этади, шулардан 930 мингги ёшлардир.

Ҳар йилги одатда кўра, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, ташкилот, муассаса ва хўжаликлар бир кунлик иш ҳақини "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлимининг қуйидаги ҳисоб-рақамига ўтказадилар: 20212000500132942001, МФО 00987, ИНН 200548395. "Қишлоққурилишбанк"нинг вилоят минтақавий бўлими. Ушбу маблағлар маҳаллаларни ободонлаштиришга, бу йилги ижтимоий дастурларда белгиланган тадбирларни амалга оширишга, "Меҳрибонлик", "Саховат", "Мурувват" ва шу каби бошқа муассасалар моддий-техник базасини яхшилаш мақсадларига сарфланади.

Истиқлол одимлари

# ИККИ ХИЛ ДОРИДАН ИШ БОШЛАГАНДИ

**Юқори Чирчиқ тумани Бордонкўл қишлоғидаги "UZGERMED PHARM" Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси мустақилликнинг қалдирғоч корхоналаридан. Ўзбекистоннинг "InnekmedFarm" ҳамда Германиянинг "AXXO Import; Export GmbH" компаниялари 1991 йилда ташкил топган корхонанинг таъсисчиларидир. Жамоа инъекцион ва ампулали дори воситалари билан нафақат Ўзбекистонда, балки ташқи бозорда ҳам ўз ўрнини топган.**

Икки хил дори ишлаб чиқариш билан иш бошлаган корхона, бугунга келиб маҳсулот турини 17 тага етказди. Шундан 5 таси Ўзбекистон бўйича фақат шу корхонада ишлаб чиқарилар экан. Чунончи, "Аспаркам" юрак қувватини оширса, "Преднизалон" гармон ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).

Куз-қиш мавсумига тайёрмисиз?

# ҲАҚИ ВАҚТИДА ТЎЛАНСА, ТАЪМИНОТ УЗИЛМАЙДИ

**Кундуз кунлари иссиқ бўлишига қарамай, тун анча салқинлашиб қолгани куз яқинлигидан дарак бермоқда. Бу эса коммунал хизмат соҳаси мутасаддиларини мавсумга пухта тайёргарлик кўришга шоширмоқда.**

**Хўш, республика Президентининг "2014-2015 йиллар куз-қиш даврида республика иқтисодиёти тармоқларини барқарор ишлашга тайёрлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори доирасида Зангиота туманида қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда?**



(Давоми 2-бетда).

Истиқлол одимлари

# ИККИ ХИЛ ДОРИДАН ИШ БОШЛАГАНДИ

"Винпоцетин" қон айланиш тизимини яхшиласа, "Кетопрофи" суяк ва мушаклардаги шамоллаш ва оғриқни қолдиради. "Дротоверин" ҳам оғриқни камайтиришда энг самарали воситалардан бири.

Бу йил яна 4 хил янги маҳсулот ишлаб чиқариш арафасида. Шу сабаб хитойлик ва ҳиндистонлик мутахассислар келишиб, янги технологик линияни ўрнатишни ўргатишаяпти.

Уч йил илгари корхонада ISO 9001:2008 сифат менежмент тизими жорий этилган, шу билан бирга давлат стандартлаштириш тизими бўйича ҳамда германиялик ҳамкорларнинг махсус дипломлари қўлга киритилган. Халқаро аудиторларнинг текширувлари натижасига кўра, қўшма корхона нафақат Ўзбекистонда, балки Европанинг ишлаб чиқариш амалиёти, яъни EU GMP талабига жавоб бера оладиган корхона деб тан олинди.

Бу йил корхона учун омадли келди. Тизимли ишлашни таъминлаш бўйича JMP сертификатини қўлга киритгани корхона обрўсини янада оширди.

– Сўнгги йилларда маҳаллий фармацевтикага алоҳида эътибор берилиб, соҳани янада ривожлантиришга қаратилган қатор қарорлар қабул қилинди, – дейди қўшма корхона ижрочи директори Абдураҳмон Назаров. – Ишлаб чиқариш корхоналари реконструкция ва модернизация қилиниб, янги цех ва линиялар ишга туширилмоқда. Республикамиз аҳолиси ва даволаш муассасаларини сифатли ва нисбатан арзон дори-дармонлар билан таъминлаш фаолиятимизнинг бош мақсади.

Маҳсулотлар дунё миқёсида стандарт талабларга жавоб берадиган технологик линия ва ускуналарда тайёрланади. Ишлаб чиқариш бинолари ва дори сақлаш хоналарида ўрнатилган ёруғликни етказиб берувчи, ҳаво алмашинуви ҳамда намлик даражасини меъёрида ушлаб турувчи мосламаларнинг барчаси автомат тарзда компьютер орқали ҳар 10-15 дақиқада текшириб турилади. Сифатни назорат қилиш бўлими ва лабораториялар кимёвий, микробиологик ва токсикологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Бу ерда ўз касбини пухта биладиган, ишлаб чиқариш амалиёти сертификатлари соҳиблари, юқори малакали мутахассислар меҳнат қилади. Ишчи ва меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги бўйича ҳар ойда машғулотлар ўтказилади. Нафақат ишлаб чиқаришнинг сифатини ошириш, балки ходимлар ўз масъулиятини кучлироқ ҳис этиб, фаолиятларини янада изчил давом эттиришлари учун имкониятлар яратилган. Дастлабки йиллари корхонада 34 киши бир сменада ишлаган бўлса, бугунга келиб икки сменада 120 одам ишлаяпти. Уларнинг аксарияти шу қишлоқ ёшлари, яъни коллеж битирувчиларидир. Корхонанинг икки ходими Германияда, беш ходим Хитойда, бир киши Беларусияда малака ва тажриба ошириб қайтишди. Шунингдек, бир гуруҳ мутахассислар Кореяга бориб, янги ампулали дори ишлаб чиқариш заводи учун сотиб олинган жиҳозлар ва асбоб-ускуналарни FAT/SAT йўналиши бўйича текширувдан ўтказиб келишди.

– Фаолиятимизда хатоликларга йўл қўймаслик, ўз устимизда ишлаш, инсон соғлигига зарар етказмайдиган дорилар ишлаб чиқаришни мақсад қилганмиз, – дейди корхона мутахассиси Сиёвуш Муҳиддинов. – Ўтган йилдан бошлаб 7 хил маҳсулотни экспортга чиқараяпмиз. Айниқса, МДҲ, Шарқий Европа, Жанубий Африка ва бошқа давлатларда маҳсулотларимизга талаб катта.

Шу йил июнь ойида Минск шаҳрида Бутунжаҳон фармацевтика уюшмаси ўтказган сифатни таъминлаш бўйича конференцияда корхона вакили қатнашиб, аъло даражада сертификатлар олиб келди. Корхона ва унинг маҳсулотлари кўпгина халқаро кўргазмаларда қатнашиш учун таклифлар олмоқда. Чунончи, 2012 йилги Москва кўргазмаси 370 давлатнинг фармацевт корхоналари билан тажриба алмашиш, мижозлар топиш имконини берди. Ўтган йили Германиянинг Франкфурт шаҳрида ташкил этилган дунё миқёсидаги кўргазмада 83 та давлат вакиллари қатори Ўзбекистон ҳам қатнашди. Айни кунларда МДҲ ва бошқа давлатлар билан экспорт йўналишини янада ривожлантириш мақсадида музокаралар ўтказилмоқда.






**Хуршида ТУРСУНБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

2014 йил – Соғлом бола йили

*Марямхоннинг невара кўрганига кўп бўлгани йўқ. Бироқ, бола боқишдан чарчашга улгурди. Ҳали инжиқланиб йиғлайди, ҳали қорни дам бўлади. Кечаю кундуз тиним йўқ. На ўзи ухлайди, на бизга дам беради. Шунинг устига бошининг орқа қисмидаги сочлари текис тўкилиб, "йўл" пайдо бўлибди. Хавотирга тушган келини: "Шифокорга борайлик", деб қайнонасини ҳоли-жонига қўймасди...*

*– Қўшнимиз Солия холадан сўрадим, – деди қайнона келинининг қистовидан норози бўлиб. – Ҳамма чақалоқларда шундай бўларкан. Фақат осмонга қараб ётгандан кейин соч тўкилади-да. Иримига хасип солиш керак экан. Солия хола қиз неварасига олти марта хасип солган экан, сочи ўса бошлабди. Ҳозир Гулчиройнинг сочи қалинлигидан "қисқич" ушламайди.*

# БОЛАЛАР БОШИДАГИ «ЙЎЛ»

**Ҳақиқатдан ҳам, айрим чақалоқларнинг бошига "йўл" тушганига гувоҳ бўламиз. Хўш, бундай бўлишига сабаб нима? Ёки бу болаларда учрайдиган, ўз-ўзидан ўтиб кетадиган табиий жараёнми?**

**Саволларга ойдинлик киритиш мақсадида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош педиатри Саида Мирзараҳимова билан суҳбатлашдик.**

– Болалар бошида пайдо бўладиган "йўл" рахит касаллигининг бошланиш белгисидир, – дейди шифокор. – Рахит аломати бор бола кўп терлагани сабаб, боши қичийди. У бошини ёстиққа тинимсиз ишқалайди, безовта бўлади. Бунга беэътибор бўлиб, "хасип солиш", "ёши катта аёл сочига қайчи теккизсин" каби амалларни бажариш, болани шифокор кўригига олиб бормаслик тиббий савиясизликдир. Негаки, рахитнинг олди олинмаса, асоратлари инсон саломатлигига жиддий таъсир кўрсатади.

– **Рахит касаллиги қандай пайдо бўлади?**

– Аслида, рахит юнонча умуртқа маъносини англатади. У танада Д витамини етишмаслиги туфайли фосфор-кальций алмашинувининг бузилиши натижасида юзага келади. Бундан ташқари, Д витамини етишмаслиги суяклар юмшашига, мушаклар ва бўғимлар бўшашишига, иммунитет сусайиб, камқонлик ривожланишига олиб келади. Касаллик 2-3 ойликдан, 2-3 ёшгача бўлган болаларда учрайди.

Д витамини ошқозон ости бези, буйрак, юрак фаолиятини ва иммун тизимни яхшилайди. Янги туғилган чақалоқда ушбу витамин етарли бўлиши учун, она ҳомиладорлик даврида шифокор тавсияси билан рационал овқатланиши керак. Бу она ва бола учун айни муддао бўлади. Шунингдек, эрталабки сайр албатта қуёш нурлари остида бўлиши лозим. Дарвоқе, ушбу касаллик аксарият ҳолларда кеч куз ва қиш фаслида туғилган гўдакларда учрайди. Шунинг учун бундай болаларни қуёш нури тўғридан-тўғри тушиб турган хонада 5-10 дақиқа яланғоч ҳолда қўйиш керак. Қолаверса, бола она сути билан боқилса, касаллик тез бартараф этилади.

– **Шифокорлар деярли ҳамма чақалоқларга Д витамини ичишни тавсия қиладилар. Бу танада Д витамини меъёрини ошириб юбормайдими?**

– Бола танасида Д витамини ортиб кетса, қонда кальций тузи кўпайиб, пешоб билан ташқарига чиқарилади. Натижада, юрак-томир тизими, жигар, буйрак ва меъда-ичак йўллари фаолиятига зарар етади.

Шифокор кўрик даврида боладаги касаллик белгиларини илғайди. Шунга кўра, профилактик ва даволовчи меъёрларда кўрсатма ёзади. Аслида барча болаларга профилактика мақсадида Д витамини бериш тавсия этилади. Бу касалликнинг олдини олади. Бироқ, айрим ёш оналар шифокор маслаҳатига беэътибор бўладилар.

– **Оналар касаллик белгиларини билишлари учун нималарга эътибор беришлари керак?**

– Энг аввало, оналар фарзандларини доимо кузатишлари, озгина ўзгаришга ҳам аҳамият беришлари зарур. Агар бола эмаётганида тез чарчаб қолса, боши, пешонаси терласа, билингки, касаллик бошланғич паллада. Баланд гапириш, турли товушлар ҳам болани чўчитиб юборади. Чақалоқ инжиқ, безовта бўлиб қолади. Уйқусизлик кучаяди. Қорин шишиши кузатилади. Сал каттароқ болаларда тишларнинг кеч ва тартибсиз чиқиши, пешона қисмининг бўртиши, бошнинг танага нисбатан катталашиши, суяклар, айниқса, оёқлар қийшайиши, кўкрак қафаси пастга қараб кенгайиши каби ҳолатлар ҳам касаллик белгисидир.

"Касални даволагандан кўра, олдини олган яхшироқ" деганларидек, бола саломатлигига алоҳида эътибор берилса, шифокор маслаҳатларига амал қилинса, фарзандларимиз ҳар томонлама етук бўлиб вояга етадилар.

**«Тошкент ҳақиқати» мухбири Ирода НОРБОЕВА суҳбатлашди.**

Меҳнат ярмаркаси

# МУҚИМ ИШЛИ БЎЛИШДИ

**Вилоят прокуратураси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ҳамда тегишли ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда Олмалиқда олий таълим муассасалари ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини ишга жойлаштириш мақсадида меҳнат ярмаркаси ташкил этди.**



Тадбирда Ангрен ва Олмалиқ шаҳарлари, Бўка, Пискент, Оҳангарон ва Ўрта Чирчиқ туманларидан 187 ташкилот 2451 та бўш иш ўринлари билан қатнашди.

Ярмарка давомида иш излаб келган ёшлар ҳар бир корхонанинг имкониятлари, маош миқдори, ишчи-ходимлар учун яратилган шароитлар билан танишиб, батафсил маълумотга эга бўлишди. 460 ишсиз фуқаро мутахассислиги ҳамда танлаган соҳалари бўйича муқим иш ўрнига эга бўлди.

– Пискентдаги "Азалеа Гармент" масъулияти чекланган жамияти таклиф этган бўш иш ўрни менда қизиқиш уйғотди, – дейди Олмалиқ қурилиш-уй-жой коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежини тамомлаган пискентлик Мадина Йўлдошева. – Жамият вакиллари билан шартнома имзолаб, муқим иш ўрнига эга бўлдим.

**Саид ҲАСАНОВ.**
**Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.**

Семинар

**Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси ва хотин-қизлар қўмитаси "Аёлларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш ҳамда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини кучайтириш" мавзуида семинар ташкил этди.**

# АЁЛЛАР ҲАР СОҲАДА ФАОЛ

Вилоят адлия ва соғлиқни сақлаш бошқармалари, касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, аёллар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида фаолият юритувчи ННТлар вакиллари иштирок этган тадбирда аёлларнинг жамият ҳаёти барча соҳаларида фаол иштироки учун мамлакатда етарли шарт-шароитлар яратилгани ва бу ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий мақсадларга эришиш йўлида асосий шартлардан экани таъкидланди. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлик корпусининг 22 фоизи, сиёсий партиялар аъзоларининг 45 фоизи аёллардир. Шунингдек, кичик бизнес субъектларининг 40 фоизига аёллар раҳбарлик қилишмоқда.

Семинар якунида иштирокчилар кун тартибидаги масалалар бўйича керакли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишди.

Семинар ишида вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

**Ўз мухбиримиз.**

## ШАҲАРЧАДА ЯНГИ БИНО

**Бекобод тумани маркази Зафар шаҳарчасида янги бино фойдаланишга топширилди. "FARXOD-XULKAR-SERVIS" МЧЖга қарашли ушбу бинода қатор маиший хизмат нуқталари жойлашган.**

Аёллар ва болалар кийимлари, пойабзал тикиш ва таъмирлаш, кимёвий тозалаш хоналари, эркаклар сартарошхонаси, аёллар "Гўзаллик салони" ўрин олган.

Тадбиркор Бахтиёр Ўсаров бунёд этган янги маиший хизмат уйида 6 киши иш билан таъминланди. Хизмат турларини кенгайтириш ҳисобига йил охиригача яна 4 кишини иш билан таъминлаш кўзда тутилган.

**Каримқул БОБОҚУЛ ўғли.**

Куз-қиш мавсумига тайёрмисиз?

# ҲАҚИ ВАҚТИДА ТЎЛАНСА, ТАЪМИНОТ УЗИЛМАЙДИ

"Зангиотатумангаз"нинг Эшонгузар фойдаланиш бўлими ходимлари 37 минг абонент ҳамда мингдан зиёд улгуржи истеъмолчиларни қиш-қировли кунларда табиий газ билан узлуксиз ва меъёрида таъминлаш учун тайёргарликни аллақачон бошлаб юборишган. Кўп қаватли уйларда яшовчи 4400 истеъмолчига марказий таъминлаш тармоғи орқали хизмат кўрсатилади.

Туман ҳокимлигининг махсус комиссияси 4 та қозонхона ҳолатини текшириб, қониқарли деб топди. Ўтган йили Эшонгузарнинг биринчи шаҳарчаси ҳудудига ўрнатилган қозонхона табиий газни тежаш хусусиятига эга. Бу йил 2-шаҳарчада ҳам шундай қозонхона ўрнатиш режада бор. 12, 42-мактаблар, туман агросервис касб-ҳунар коллежига ҳам янги ва замонавий қозонхоналар ўрнатилди.

Ер остидаги юқори ва ўрта босимли газ тармоқлари бутлиги текширилиб, газ тақсимловчи ускуналар назоратдан ўтказилмоқда. Бўзсув, Туркистон қишлоқларидаги газ тармоқларини таъмирлаш ниҳоясига етказилди. Айни кунларда Зангиота қишлоғидаги Амир Темур кўчасининг 2 километр узунликдаги газ тармоқлари реконструкция қилинмоқда.

– Қиш фаслида айрим маҳаллаларда газ босимининг пасайиши ёки умуман ўчиб қолиш ҳоллари учраб туради, – дейди "Зангиотатумангаз"нинг Эшонгузар фойдаланиш бўлими муҳандиси Самандар Хўжаев. – Шундай ҳудудлардаги 3 мингта хонадонда яшовчи аҳолини арзон суюлтирилган газ билан таъминлаш йўлга қўйилган. Бунинг учун уларга газ баллонлари ижарага берилади.

Табиий газ – бебаҳо бойлигимиз. Уни тежаб ишлатиш мақсадида хонадонларга газ ҳисоблагичлар ўрнатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 7 та қишлоқ ва шаҳарчанинг бошланиш нуқтасига ҳудудий газ ҳисоблагичлар ўрнатилди. Октябрь ойигача қолган қишлоқларга ҳам шундай ускуналар ўрнатилади. Бу ҳар бир қишлоққа бир ойда қанча табиий газ кириб келаётганининг аниқ ҳисоб-китобини олиш имконини беради. Натижада табиий газдан ноқонуний фойдаланиш ҳоллари барҳам топади.

– Маълумки, қўлбола иситиш ускуналаридан фойдаланганда газ сарфи кўпаяди, – дейди Самандар Хўжаев. – Бугунги кунда Навоий вилоятидаги заводда ишлаб чиқарилаётган "ARISTON" сув иситиш ускунаси газни кам сарфлаб, маблағни тежаш имконини беради. Корхона мутахассислари ускунанинг афзалликлари ва имкониятлари ҳақида ўқув машғулотлари ўтказишди. Бир неча ходимимиз Навоийга бориб, малака ошириб қайтишди. Ҳозир фуқаролар ўртасида тушунтириш ишлари ўтказилмоқда.

Қарс икки қўлдан чиқади. Агар истеъмолчилар фойдаланган газ ҳақини ўз вақтида тўлаб боришса, бўлимнинг 114 ходими вақтларини хонадонма-хонадон юриб, қарздорликни бартараф этишга эмас, таъминотни яхшилашга сарфлашган бўлишарди.

**Нозима АРСЛОНОВА.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тежалгани нақд бойлик

# ЁҚИЛҒИНИНГ УВОЛИ – ИҚТИСОДНИНГ ЗАВОЛИ

**Қишлоқ хўжалигида мавсумий ишлар жуда кўп. Улар эрта кўкламда ерларни экишга тайёрлашдан бошланади. Кейин асосий экинларга изчил ишлов беришга киришилади. Ғўзага агротехник ишловлар айни қизиган пайтда, ғалла ўрим-йиғими мавсуми эшик қоқади.**

Мавсумларнинг асосий масъулияти шундаки, бундай паллаларда кўплаб техника воситалари ишга сафарбар этилади. Демак, ҳар қачонгидан кўпроқ ёқилғи-мойлаш ашёларига талаб ошади. Бироқ, ёқилғи захиралари битмас-туганмас эмас. Шу боис, ёқилғининг борини тежаб-тергаб, самарали ишлатиш зарур бўлади. Бунда биринчидан, зарур ва қимматли хом ашё тежалса, иккинчидан, сарф-харажатлар камайиб, салмоқли иқтисодий фойда кўрилади.

"Ўздавнефтгазинспекция"нинг вилоят бўлими юқоридаги ҳолатларни ҳисобга олиб, ҳар бир мавсум олдидан мавжуд нефть базалари унитар корхоналарининг ёқилғи тарқатиш шахобчалари раҳбарлари ва фермер хўжаликлари бошлиқлари иштирокида захиралардан оқилона фойдаланиш ва уларни тежаш мақсадида технологик талабларга қатъий амал қилиш юзасидан мунтазам ўқув-семинарлар ташкил этади.

Ҳозирги пайтда вилоятда пахта-йиғим теримига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ чора-тадбирлар қизғин тус олди. Бутун мавсум давомида кўплаб техника ва транспорт воситалари теримга сафарбар этилади. Бинобарин, нефть базалари унитар корхоналарининг ёқилғи тарқатиш шахобчалари ходимларининг масъулияти бир неча ҳисса ошади. Зеро, пахта теримида беҳуда тўхташлар бўлмаслиги учун таъминотда узилишларга йўл қўймасликдан ташқари, ёқилғини тўкиб-сочиб, исроф қилмаслик, бунинг учун технологик жараёнлар талабига қатъий риоя этиш талаб қилинади.

Мавсумлардаги аҳволнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигида механизациялашган ишлар кенгайиб бораётгани боис ёқилғи-мойлаш ашёларига талаб ҳам ошмоқда. Бу эса ўз навбатида ёқилғини тежаб ишлатишга бўлган талабни янада кучайтиради. Чунки, "Тежалгани нақд бойлик", деб бежиз айтилмайди.

Ҳисоблаб кўрайлик, йил давомида сарфланадиган ёқилғи-мойлаш ашёларининг атиги бир фоизи иқтисод қилиб қолинса, мамлакат миқёсида минг тонналаб ёқилғи ва миллион сўмлаб маблағ тежалади. Кейинги йиллардаги аҳволдан маълумки, ёқилғини идишларда нотўғри сақлаш ҳам кўплаб беҳуда йўқотишга олиб келади. Чунончи, бир йилда айнан нотўғри сақлаш оқибатида 70-140 килограмм ёқилғи йўқотилиши аниқланган. Бунга йўл қўймаслик учун ёқилғини охиригача тўлатилмаган идишларда сақлаш тақиқланади. Аввал бир идишдагисини ишлатиб бўлиб, сўнг иккинчи идишни очиш мақсадга мувофиқдир.

Ёқилғининг ортиқча буғланиши ҳам исрофга киради. Бундан ташқари, бунинг зарарли жиҳати ҳам бор. Яъни буғланиш жараёнида ёқилғи таркибидаги моторни енгил ўт олдиришга кўмаклашувчи модда (фракция) ҳам ҳавога учиб кетиб, унинг детонацияга турғунлиги пасаяди. Оқибатда, двигателнинг ўт олиши қийинлашади ва айрим деталларнинг тез емирилишига сабаб бўлади. Бундай ёқилғи карбюраторли двигателнинг иш коэффициентини 83 фоизга, форсункалисини эса 58 фоизгача пасайтириб юборади.

Дала шароитида ёқилғи қуйишда носоз қурилмалардан фойдаланилса 1,2 фоизгача, челак ва шу каби очиқ идишлар ишлатилса 3,4 фоизгача исроф бўлади. Умуман, уқувсизлик оқибатида 10 фоиздан зиёд ёқилғи-мойлаш ашёлари йўқотилаяптики, бу республика миқёсида катта иқтисодий зарар келтиради.

Тажрибада аниқланганки, техника воситаларининг ишчи органлари ўтмаслашиб кетган бўлса, ёқилғи сарфи 30 фоиз ортади. Агар плуг тракторга нотўғри ўрнатилса, бунинг устига кесиш қирралари қалинлиги 5 мм. атрофида бўлса, 40-50 фоизгача ёқилғи беҳуда кетади.

Ўқув-семинарларда мунтазам таъкидланаётганидек, далада ишлаётган техника доимо соз бўлиши ва қоидаларга амал қилган ҳолда ишлатилиши лозим. Акс ҳолда фермер хўжаликлари иқтисодий зарар кўради.

**Жамол САЛИМОВ,**
**"Ўздавнефтгазинспекция" вилоят бўлими етакчи мутахассиси.**

Анжуман

**"ЭКОСАН" экология ва саломатлик халқаро хайрия жамоат фонди "Пойтахт" бизнес-марказида навбатдаги муассислар конференциясини ўтказди.**

# УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Вазирлар Маҳкамаси, банк ва жамоат ташкилотлари мутасадди вакиллари иштирок этган конференциясида фонднинг 2009-2013 йиллардаги фаолияти юзасидан тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тингланди.

Қатор вазирликлар, давлат ташкилотлари, олий ва ўрта махсус таълим юртлари, муассасалар, маҳалла ва ННТлар билан ҳамкорликда "Баркамол авлодни тарбиялашда экологик онг ва маданиятнинг ўрни", "Экология ва ёшлар", "Барқарор экология – бизнинг келажагимиз" мавзуларида 200 дан ортиқ учрашувлар, анжуман ва семинарлар ўтказилди. Тадбирларда "ЭКОСАН" нашр этган 34 минг харита, рангли плакат ва адабиётлар хайрия тарзида тақдим этилди. 2009-2013 йилларда "ЭКОСАН" Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий, Сирдарё, Сурхондарё, Наманган, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга қаратилган бир қатор лойиҳаларни амалга оширди.

Конференция сўнгида "ЭКОСАН" фонди олдида турган муҳим вазифалар кўриб чиқилди.

**Муқаддас ИСРОИЛОВА.**

# МАВСУМ ТАДОРИГИ

**Янгийўл туманидаги Гулбаҳор саноат касб-ҳунар коллежида куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш, муаммо ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида учрашув ташкил этилди.**

Мутасадди корхона ва ташкилот раҳбарлари ва Гулбаҳор шаҳарчаси фаоллари иштирок этган тадбирда аҳоли ҳудуддаги мавжуд муаммо ва камчиликларга оид таклифларини ўртага ташлашди, ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олишди.

Шундай учрашув Нодирабегим, "Рамадон" маҳаллаларида ҳам ўтказилди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

# МЕҲР-ЭЪТИБОР ОҒУШИДА

**"Бугун ерга ниҳол экиб, уни парвариш қилсанг, эртага албатта меҳнатинг роҳатини кўрасан" дея айтилган гапда чуқур маъно бор.**

Дарахтнинг соя-салқинидан, тотли меваларидан баҳраманд бўлсанг, чеккан машаққатларинг унутилади.

Шундан бўлса керак, келажак ворисларининг ҳам жисмонан, ҳам маънан етук бўлиб камол топишларини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида вилоятимизда айтишга арзигулик ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоят ҳокимлиги, "Меҳр-шафқат ва саломатлик" ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фондлари ҳамкорлигида уюштирилган тадбир шулар жумласидандир. "Ҳар бир болага меҳр, эътибор!" шиори остида ўтказилган тадбирда вилоятнинг барча шаҳар, туманларидан боқувчисини йўқотган, ижтимоий муҳофазага муҳтож оилалардан 522 ўғил-қиз пойтахтдаги ҳайвонот боғида жам бўлдилар.

– Бу ерга анча олдин келгандим, – дейди Ўрта чирчиқлик Шоира Мирҳакимова. – Ўзгаришлар талайгина. Қушларнинг янги турлари келтирилибди. Айниқса, сайроқи тўтилар менга жуда ёқди.

Янгийўл туманидан келган Алимардон Жўраев ҳам боғдаги сайилдан мамнун.

– Таътилнинг сўнгги кунлари, янада мароқли ўтмоқда, – дейди у. – Яхши ҳордиқ аъло баҳоларга ўқишимизга туртки бўлади.

Ҳамкорларнинг бу каби хайрли ишлари пойтахтдаги "Локомотив" кўнгилочар масканида ҳам ўтказилади.

**Мақсуда ЛАЗИЗОВА.**
**Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.**






## КЎЧКИ ПОЕЗДНИ ИЗДАН ЧИҚАРДИ



**Швейцариянинг шарқий ҳудудидаги тоғли зонада ҳаракатланаётган йўловчи поезди ер кўчкиси сабаб бўлиб, издан чиққани ҳақида хабар тарқатди AFP агентлиги.**

Минтақавий темир йўл компанияси матбуот котиби сўзларига қараганда, фалокат юз бергач, бир нечта вагон жар тепасида ярим осилиб қолди. Бахтсиз ҳодиса тоғли ҳудудда содир бўлгани боис, қутқарувчилар ҳамда тез ёрдам бригадаси ходимларининг етиб бориши қийин бўлмоқда.

Маҳаллий полиция юз берган ҳалокатни ўта жиддий баҳоламоқда. Бироқ, қурбон бўлганлар ва жабр кўрганлар ҳақида ҳозирча маълумот тарқатилмади.

## БРАЗИЛИЯДА УЧ КУНЛИК МОТАМ



**Мамлакат президентлигига номзод Эдуард Кампош авиаҳалокат туфайли вафот этгани боис мамлакатда уч кунлик мотам эълон қилинди.**

Давлат бошлиғи Дилма Русеф сайтига жойлаштирилган хабарда ҳалок бўлганлар ва уларнинг қариндош-уруғларига таъзия изҳор этилган. Шунингдек, давлат раҳбари сайлов кампанияси уч кун муддатга тўхтатилганини маълум қилди.

Кампош билан бирга олти киши ҳам ҳалок бўлди. 49 ёшли сиёсатчи Бразилиянинг социалистик партиясидан номзод сифатида президент сайловларида қатнашмоқчи эди. Сайлов шу йил 5 октябрга белгиланганди.

## ВИДЕООПЕРАТОРНИНГ ФОЖИАЛИ ЎЛИМИ



**Италиялик видеооператор Камилио Смони Ғазо секторининг шимолида, маҳаллий сапёрлар ҳаракатини видеолентага тушираётганда ҳалок бўлди.**

La Repubblica нашрининг ёзишича, сапёрлар зарарсизлантираётган снаряд портлаб кетган. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маҳаллий вакили таъкидладики, 35 ёшли видеооператордан ташқари, 6 фаластинлик фуқаро ҳам ҳалок бўлди, бир неча киши жароҳатланди.

Исроил Ғазо секторида 7 июль куни бошлаган "Мустаҳкам қоя" операцияси шу кунгача 1900 фаластинлик ва 70 га яқин исроиллик фуқароларнинг умрига зомин бўлди. Ҳозир ҳар икки томон вакиллари Қоҳира шаҳрида отишмаларни узоқ муддатга тўхтатиш масаласида музокара олиб бормоқда.

## ГВИНЕЯДА ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ



**AFP агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, Гвинея президенти Альфа Конде Эбола вируси эпидемияси тарқалгани боис фавқулодда ҳолат эълон қилди.**

Бугунгача мамлакатда 377 киши ушбу эпидемия қурбони бўлди. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳам Эбола вируси муносабати билан кенг кўламда фавқулодда тиббий-санитария ҳолатини эълон қилди. Гвинея эса ушбу ташкилот аъзоси ҳисобланади. Шу боис, мамлакатда фавқулодда ҳолат амал қилмоқда.

Альфа Конде фавқулодда вазият туфайли 9 та муҳим чора-тадбир кўрилишини айтди. Жумладан, чегаралардаги ўтиш пунктларида назорат кучайтирилади. Эпидемия ҳолати тугагунча бир шаҳардан иккинчи шаҳарга ўтиб юриш тақиқланади. Шунингдек, Эбола вируси туфайли шифохонага тушганлар лаборатория тадқиқотлари натижалари маълум бўлгунча, шу ерда қоладилар.

Маълумки, Эбола безгаги шу йил февраль ойида Ғарбий Африкада хуруж қилганди. Бугунги кунга келиб, ушбу вирус Либерия, Сьерра-Леоне ва Нигерияга тарқалиб, 1069 киши унинг қурбони бўлди.

## ЎСМИРНИНГ ҚОТИЛИ ПОЛИЦИЯЧИ

**Ўтган шанба куни АҚШнинг Миссури штати Фергюсон шаҳри полициячилари қора танли ўсмирни отиб ўлдирганларидан норози бўлган маҳаллий аҳоли намойиш уюштирди.**

Шаҳар маъмурияти ушбу норозилик акциясини кундуз куни ўтказишга рухсат берди. Одамлар 18 ёшли Майкл Брауннинг қотили бўлган полициячининг исм-шарифини айтишни талаб қилишмоқда. Полиция бошқармаси эса ўз ходимининг хавфсизлигини ўйлаб, ушбу талабни бажаришдан бош тортмоқда.

Бахтсиз воқеа юз берган пайтда Майкл Браун қуролсиз эди. Шу боис маҳаллий ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари полицияни ўз ваколатини ошириб юборганликда айбламоқдалар. Шунингдек, Фергюсон шаҳри аҳолисининг 70 фоизи афроамерикаликлар экани ҳам вазиятни кескинлаштирмоқда.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

# «КЕЛАЖАК»ДА ЎН КУН

**Бўстонлиқ туманидаги "Келажак" оромгоҳида ички ишлар бошқармаси ҳисобида турувчи 160 ўғил-қиз дам олаётгани ҳақида хабар берган эдик. Улар мазмунли ва мароқли дам олишларини таъминлаш мақсадида турли кўнгилочар ўйинлар, спорт мусобақалари, эстафеталар уюштирилмоқда.**



Куни кеча мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти вакиллари оромгоҳга ташриф буюриб, мерганлар баҳсини уюштирдилар. Мусобақада нафақат ўғил болалар, балки қизлар ҳам маҳоратларини синовдан ўтказдилар.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ташкиллаштираётган "Оммавий таҳдидлар ва ёшлар маданияти", "Соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз", "ОИТСсиз келажак сари" каби лойиҳалар дам олувчиларга, айниқса, манзур бўлмоқда. Негаки, улар мавзу доирасида ўз фикрларини эркин баён этишга ўрганаяптилар. Шунингдек, "Сиз севган қаҳрамонлар" мавзуидаги актёрлар билан суҳбат ҳам қизиқарли бўлди.

**Илмира МАҚСУДОВА.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**

## Маънавият

# ҲАЁТГА КУЛИБ БОҚСАНГ...



Ҳазрат Имом Аъзамнинг шогирди, Имом Бухорийнинг устози, ватандошимиз Абдуллоҳ ибн Муборак ҳақларида ислом дунёсида ғоятда ҳайратомуз ривоятлар нақл қилинади. Исмоил ибн Иёш: "Ер юзида Абдуллоҳ ибн Муборакка ўхшаши йўқдир. Аллоҳ таоло қандай яхшилик хислатлар яратган бўлса, уларнинг барчасини Абдуллоҳ ибн Муборакка берганини билдим", дея таърифлаган бўлса, Имом Нававий: "Абдуллоҳ ибн Муборак ҳамма улуғликларни ўзида жамлаган имомдир", дея эътироф этади. Дарҳақиқат, Абдуллоҳ ибн Муборак ҳазратлари ҳаётида дуч келган ҳар бир кишига яхшилик илинарди.

Нақл қилишларича, бир сафарда Ҳазратга бадхулқ киши ҳамроҳ бўлибди. Ҳазрат йўл давомида унинг ярашмаган қилиқларига чидабди, қаттиқ гапирмай, аксинча унга таъсир ўтказишга интилибди. Йўллари айрилгач эса, йиғлабди. Сабабини сўрашса: "Унга раҳмим келаяпти. Мен ундан ажралдим, аммо унинг ёмон хулқи ўзи билан кетди, ундан ажралмади", деган экан. Эътибор қилинг, аллома сафардоши азиятларидан шикоят қилмаяпти, аксинча уни йўлга сололмаганидан ўзини айблаяпти, изтироб чекаяпти.

Маънили инсон, маънавиятли инсон деганда ахлоқ-одобли, қўлидан ҳам, тилидан ҳам биров озор кўрмайдиган шахс бўлиш билан бирга, албатта тарбия ҳам бера олиши лозим. Чунки том маънодаги тарбияли инсон фақат ўзини, оила аъзоларинигина ўйламайди, балки қўни-қўшни, маҳалла-кўй, ватандошлари учун ҳам қайғуради. Акс ҳолда унинг барча фазилатларини биргина лоқайдлиги, атроф-жавонибга бефарқлиги ювиб кетади. Баҳовуддин Нақшбанд ҳазратлари: "Яхшиларни ҳаммаям дўст тутади. Лекин ёмонларни дўст тутиш, уларни тўғри йўлга солиш, бу мардларнинг ишидир", дея бекорга айтмаганлар.

Яратганнинг наздида энг нохуш амал мўминларнинг бир-бирига ўзаро хусумат, гина-адоватда бўлиши саналса, силайи раҳм, бағрикенглик, аҳилликка, муросаи мадорага интилиш қадрланадиган фазилатлардан ҳисобланади. "Афв қилмоғингиз, кўнгилни кенг тутмоғингиз ва кечирмоғингиз яхшидур. Албатта Аллоҳ кечирувчи ва раҳмдилдур", дея буюрилади Қуръони Каримда.

Яратган кўнгилни кенг тутмоқлик, кечиримли бўлишга буюрмоқда. Зеро, Унинг ўзи кечиримли зот. Банда ўз фитратидан келиб чиқиб, билиб-билмай хато қилиши, гуноҳ ишларга қўл уриши мумкин. Агар у тавба қилса, қилган гуноҳи каффоратига савоб амалларини кўпайтирса, Парвардигор кечиради. "...Карамли ахлоқларни мукаммал қилишга" юборилган Пайғамбаримиз (с.а.в) "Аллоҳнинг хулқлари билан хулқланинглар", дея марҳамат қиладилар ва инсонларни раҳмдил бўлишга, бир-бирига нисбатан бағрикенглик қилишга тинимсиз даъват этадилар. Биродар бўлинг. Аразлашманг. Рақобат қилманг, дейдилар. Аразлашиб қолишган тақдирда эса, аразлари уч кундан ўтмаслигини қайта-қайта таъкидлайдилар. "Мусулмон кишининг бошқа бир мусулмондан алоқасини уч кундан ортиқ узиши ҳалол эмас, агар мўминлар аразлашишда давом этса, иккиси ҳам Яратганнинг раҳматидан махрум бўлади, уларнинг қай бири ярашиш томон биринчи қадамни қўяр экан, аввало ўшанинг гуноҳи кечирилади", дея марҳамат қиладилар. Ривоятда келишича, битта кўппак бир уйга қамалиб қолибди. Уйнинг тўрт тарафиям ойнаванд бўлиб, қаёққа қараса, ўзининг аксини кўраверибди. Ит итлигига бориб, ўзининг аксига қараб ириллабди. Кўзгудек ит ҳам шундай жавоб қилибди. Ит жаҳл билан вовиллабди. Кўзгудаги итлар ҳам бараварига унга қараб вовиллашибди. Қисқаси, бечора ит туни билан кўзгулардаги ўз акси билан акиллашаверib, ҳолдан тойиб, охири ўлибди. Агар ўша кўппак кўзгудаги аксига қараб, акиллаш ўрнига, думини ликиллатганида, кўзгу ҳам шундай жавоб қиларди. Ҳаёт ҳам айнан шундай эмасми: унга кулиб боқсанг – кулиб қарайди, хўмрайсанг – хўмраяди.

Кечиримли бўлиш мардлар иши. Яратган эгамиз кечиримли зот. Сарвари коинот – Ҳазрат Пайғамбаримиз ҳам кечиримли зот, ўтмиш алломаларимизнинг қай бирларини олиб қараманг, ҳаммалари бағрикенг, силайи раҳмни пеша тутган инсонлар бўлишган. Қолаверса, кечиримлилик истиқлол юртида, мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилганига, турли ёт таъсирларга берилиб, адашган фуқароларимизнинг авф этилаётгани, ҳаётларини тўғри йўлга солиб олишларига имконият берилаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Шундай экан, биз ўз ҳаётимизда бағрикенгликни шиор қилиб, оиламиздагилар ва ён-атрофимиздагилар билан силайи раҳмда бўлишимиз, ёшларимизни ҳам шундай олижаноблик, юксак маънавият эгалари қилиб тарбиялашга интилмоғимиз лозим.

Зеро, Одам боласи Парвардигор яратган оламни янада обод қилишга, ер юзида ҳаёт бардавомлигини таъминлашга буюрилган. Асло, низою адоват, урушу бузғунчиликларга эмас...

**Зайнилобиддин ҚУДРАТОВ, Пискент тумани "Мулла Бўта Қози" жоме масжиди имом-хатиби.**

## Қатралар

### Ғубор ва ифор

Кўча супураётган фаррош хазонларга бошқа супуриндиларни ҳам қўшди-да тўплаб, ёқиб юборди. Қуюқ тутун кўкка ўрлади, булут сингари осмонда сузиб, қуёшнинг юзини тўсди. Унинг хира сояси ерга тушди. Бир зум дилларга ғашлик чўмди. Йўқ жойдан чанг ё тутун кўтариб, қуёш нурига соя солиш – ҳамманинг қўлидан келади. Аммо, ўзи яратган боғнинг тоза ҳавоси, экиб, парваришлаган гулларининг ифори, қуёш нуридек ҳаётбахш меҳр-муҳаббати ила ўзгаларга фароғат бағишлашнинг уддасидан ҳамма ҳам чиқавермайди.

### Умр учқурлиги

Умрнинг учқурлигини қаранг: ёшлигингизда сизнинг қачон улғайиб қолганингизни ўзгалар сезмай қолади. Қачон кексая бошлаганингизни эса ўзингиз ҳам сезмай қоласиз.

**ЭЪЛОНЛАР**

Шайхонтоҳур тумани ҳокимияти ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "NEG-BUM-BIZNESS" МЧЖга тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Олмалиқ тиббиёт коллежи томонидан 2013 йилда Туяқова Нодира Алижон қизига берилган К № 3133689 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 14-мавзе, 53-уй, 27-хонадонга тегишли бўлган Ҳамроқулов Улуғбек Қурбонович номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 14-мавзе, 62-уй, 81-хонадонга тегишли бўлган Ҳамроқулова Ёрқиной Турсунбоевна номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ООО "PROFIT SYSTEM PLASTIC" (ИНН 301907467) сообщает об уменьшении уставного фонда с 1 703 046,03 долларов США до 979 051,88 долларов США (согласно решения учредителей). Претензии принимаются по адресу: г. Ташкент, Сергелийский район, ул. Нилюфар, 1-Г или по телефону: 215-23-88.

Утерянный аттестат UZC № 029323, выданный в 1999 г., школой № 9 г. Чирчика на имя Пруцевой Кристины Максимилиановны, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСВИТЕЛЬНЫМ.

Утерянную круглую печать на имя частного предпринимателя Сергелийкого района г. Ташкента Юлдашова Аскарбоя Эргашбоевича, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

ЧП "SIFAT GARANT" (ИНН 301413480), зарегистрированное ИРСП хокимията Яккасарайского района г. Ташкента за № 005003-11 от 22.12.2009 г., расположенное по адресу: г. Ташкент, Яккасарайский район, ул. Бабура, д. 67/4, кв. 33 сообщает о преобразовании в ООО "SIFAT GARANT".

## Фармон ва ижро

# АЙБДОРЛАР ҚОНУНИЙ ЖАЗОГА ТОРТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 182-моддасида "Божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ва воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ёки декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш" учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг $227^{21}$-моддаси 2-қисмида эса "Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товарларни божхона назоратидан яшириб, яъни хуфиядонлардан ёки товарларни топишни қийинлаштирадиган бошқа усуллардан фойдаланиб, ёхуд бир товарни бошқа товарга ўхшаш қилиб қўйиш каби жиноят аломатлари бўлмаса" маъмурий жавобгарликка тортиш кўрсатилган.

Давлат ўзининг иқтисодий манфаатларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасига товарлар ташиб келтириш ва унинг ҳудудидан товарлар ташиб чиқиб кетишнинг махсус тартибини белгилайди, баъзи товарларни олиб чиқиб кетиш, ташиб келтириш тақиқланади, бошқа товарларнинг келтирилиши ва олиб чиқилиши эса чекланади.

Республика Президентининг 1998 йил 20 мартдаги "Жисмоний шахсларнинг нақд хорижий валютани олиб келиши ва олиб чиқиб кетишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг 1-бандида резидентларга (Ўзбекистон Республикаси фуқароларига) 2000 АҚШ долларига тенг миқдордаги нақд хорижий валютани Ўзбекистон Республикасидан четга эркин олиб чиқишларига рухсат этилган ва ундан ортиқ миқдордаги валютани четга олиб чиқиш учун ваколатли банкларнинг рухсатини олиш лозимлиги кўрсатилган. Норезидентларга эса (чет эл фуқароларига) божхона декларациясига мувофиқ мамлакатга келтирилган сумма доирасида, республикага киришдаги божхона декларациясида белгиланган суммадан ортиқча нақд хорижий валютани олиб чиқишга Марказий банк ёки ваколатли банкнинг рухсатномаси билан йўл қўйилиши белгиланган.

Мазкур Фармоннинг 2-бандига асосан республика ҳудудига нақд хорижий валюталарни божхона декларациясида кўрсатган ҳолда эркин олиб кириш ва олиб чиқиш белгиланиб, олиб кирилган валюта миқдоридан умуман божхона тўлови ёки йиғим ундирилмаслиги кўрсатилган.

Декларацияда кўрсатмаслик эса жиноий жавобгарликка ёки маъмурий жавобгарликка асос бўлади. Жумладан, "Тошкент" халқаро аэропортида 2014 йил 9 январь куни "Тошкент-Франкфурт" йўналиши бўйича учиб кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси О. Чориев (исм-фамилияси ўзгартирилган) божхона назоратидан ўтказилганда, декларацияда кўрсатилган 2000 АҚШ долларидан ташқари 49.390 АҚШ долларини бел қисмига махсус белбоғ ичига яшириб, боғлаб, олиб чиқаётгани аниқланди.

2014 йил 22 февраль куни "Ғиштқўприк" божхона мажмуаси орқали Қозоғистонга пиёда чиқаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси М. Баҳодиров (исм-фамилияси ўзгартирилган) божхона назоратидан ўтказилганда, декларацияда кўрсатилган 4000 АҚШ долларини ноқонуний олиб чиқаётгани маълум бўлди.

Суд фуқаролар О. Чориев ва М. Баҳодировга тегишли жазо тайинлаб, 49.390 ва 4000 АҚШ доллари давлат даромадига ўтказилди.

Ҳар икки ҳолат бўйича айбдорлар қонуний жазога тортилди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.

**Илҳом АЧИЛОВ, республика Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир **Убайдулла АБДУШОҲИДОВ**

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
**e-mail:** th.tp@mail.ru

**Телефонлар:**
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир **Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ**
Навбатчи **Наргис ҲАСАНОВА**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-659. Адади 8518. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.45.